



*Самарқанд шаҳрining 2750 йиллик
таърихийи даъватлари*

**ЎЗБЕКИСТОН ФАНИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДА
ИННОВАЦИЯ: МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР
ВА ИСТИҚБОЛИ**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ**

(Самарқанд шаҳри, 2007 йил 16-17 март)

Самарқанд - 2007

Хулоса қилиб шунга айтиш лозимки, фан ижтимоий ҳодиса сифатида жамият тараккий этиши билан тақомиллашиб, ривожланиб бораверади. Зеро, жамиятда вужудга келадиган муаммоларни ечиш ва олимнинг билиш фаолиятининг йўналтирилиганиги муаммоларнинг янгича ечиш йўллари, янги парадигмалар шаклланишини таъминлайди.

ВИРТУАЛИСТИКА ВА ИННОВАЦИЙ ДИАЛЕКТИКАСИ

Мухаммадиев Х.Х., Самарқанд, СамарДУ

Виртуаллик тушунчаси латинчадан олинган бўлиб «*virtus*»-«фаразий», «*хазиний*» деган маъноларни англатади. Фарбий Рим маданиятида «*virtus*» сўзи хозирги кундаги турт маънода тушунилган: биринчидан, бу ахлоқий кадрят, ахлоқлик (инглиз тилида «*virtus*» ахши фазилат дегани); иккинчи томондан, бу ақтуал мавжуд ҳамда таъсир этувчи воқелик; учинчи томондан, қандайдир артефакт; туртинчидан, виртуаллик кўпроқ ҳаёлий, фаразий, потенциаллик, нореаллик қабиларга синоним (1). Россия мактаби виртуалистлари виртуал воқеликнинг қайси соҳада (физика, биология, психология, фалсафа ва ҳақозалар) бўлмасин унинг 4 асосий хусусиятини ажратиб кўрсатади:

1. Оқибатчилик (виртуал воқелик қандай бўлса ҳам бошқа фаол воқеликга айланиши).
2. Ақтуаллик (виртуал воқелик фақат ақтуал мавжуд, у ўз фазо ва вақтига эга).
3. Интерактивлик (виртуал воқелик бошқа ҳамма воқеликлар билан биргаликда ҳаракат қилади, шу жумладан улар бир-биридан мустақил оқибатга эга).
4. Мустақиллиги (виртуал воқелик ўзининг қонун қоидаларига эга эканлиги).(2)

Мана шу хусусиятлари билан виртуал воқелик бошқа воқеликлардан ажралиб туради. Бу турт хусусият виртуал воқеликнинг ажралмас хусусиятлари ҳисобланади. Шу билан биргаликда виртуал воқеликнинг ўзига хос туртта ўлчови ҳам мавжуддир, булар қуйидагилар:

1. Мақсадга мувофиқлик; 2. асосли; 3. ирреаллик; 4. ҳаёнийлик.(3)

Бу ўлчовлар бир-бири билан боғлиқдир ва ўзаро алоқадорликда. Виртуал воқеликни маданий яратувчи мавжуддод-инсон ҳисобланади. Маданият ҳаёлий, ирреал ҳисобланувчи ва мақсадга мувофиқ эканлигини ангилаб етишимиз лозим.

Инновация инглизчадан олинган бўлиб «*innovation*»-янгилик деган маънони англатади (4). Янгиликни технологик структурасини таъминловчи фаолиятини синхроник амалга ошириш икки бир-бирини ўзаро тўлдирувчи мақсадга мувофиқлигини ажратиб - янгиликни инновацион диагностика ва социологик ўрганиш, муоммони олдидан пайкаб мақсадни

аниқлаб амалга ошириш, яъни диагностика ёрдамида ўзаро таъсир муҳити ва янгиликни вужудга келтириш, шу билан бирга ҳар хил социологик тадқиқот методлари ёрдамида ижтимоий фикр динамикасини ўзгартириб янгиликни амалга ошириш.

Инновация диагностика қуйидагиларни қамраб олади: биринчидан, келажакда вужудга келган ҳар хил янгиликларни прогноزلаш, иккинчидан, янгиликни конкрет ривожланишининг перспектив қиёфасини каттарок ёки қичқроқ тарзда тўлиқ бериш, натижада одамларнинг ҳаёт ва фаолияти ҳар дом сферал бўлиши, одамлар идрокни эса ҳар хил виртуал вариантларга жалб қилиш, ўзининг йўналишини аниқламадан иложи йўқлигини билиш.(5)

Инновация янги гоялар, технологиялар, инновацион лойиҳалар ва маҳсулотларни кашф этиш, ишлаб чиқариш ва амалиётга тадбиқ қилишни билдириб, хозирги замон ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолият тизимларида асосий фаолият турига айланимолда.

Информацион жамиятта ўтиш даврида маҳсулотларни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш, уларни янгилаб туришга қаратилган вақтни қисқартирилиши ва жаддаллашиб бориши инновацион фаолиятга, хусусан ижодкор интеллектуал фаолиятга бўлган талабни кучайтиради. Виртуал жараёнларда ҳам инновацион жараёнлар вужудга келади, шаклланади ва ривожланади.

Ҳар қандай ижтимоий тизим янгииси билан алмашинар экан аввало тартибсизлик, энтропийлик ва хаос қаби ҳодисалар юз беради. Ижтимоий тизимларда энтропийлик, флукутация, бифуркация жараёнлари виртуал тарзда содир бўлади. Ижтимоий тизимларда энтропийлик, флукутациялардан бошланади. Жамиятда флукутациялар виртуал тарзда содир бўлади. Тизим қисмларидаги флукутациялар интегратив жараёнларни заифлаштиради, структуравий энтропийликни кучайтиради, марказдан қочиб ҳодисаси авж олади. Оқибатда эски ижтимоий тизим ўз структурасини шакллантириш қобилиятини йўқотди, натижада ижтимоий тизимларда десфункционаллик вужудга келади. Ўз навбатида бу кишилар фаолияти ва мақсадлари яширин ҳолатда, яъни виртуал тарзда амалга ошира бошлайдилар. Бу эса ижтимоий тизим асосий функция: интеграция, яхлитлаштириш вазифаларини бажара олмай қолишга олиб келади. Регулятив восталар ишдан чиқиб томеоспазис, яъни тизим мувозанати бўзилади. Мувозанатнинг бўзилиши эса инновацион тизимнинг вужудга келиш имкониятини англатади. Ўз навбатида мувозанатнинг бўзилиши энтропийликнинг критик моментидир.

Мувозанат ҳолатидан узоқ бўлган ўзига хос критик нуктага яқин бўлган унинг атрофида тизим бекарор бўладиган ҳолат эса бифуркация дейилади. Бифуркация нукталарида тизимнинг виртуал кўп сондаги ривожланиш босқичларининг вариантларини очиб беради. Тизим энг ақтуал ҳисобланган виртуал вариантлардан бирини «*танлаб*» кейинги

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
О.Файзуллаев. Фанда инновацион фикрлаш: тарихимизда ва ҳозирги замонда.....	4
Б.Н. Нормуродов. Инновациянинг ҳозирги замон асослари.....	6
М.Абдуллаева. Инновационная основа научного творчества.....	10
Э.М. Иzzетбаева. Инновации в современной науке: философско-методологические аспекты.....	17
Ш.С. Кушоев. Ижтимоий ангажиранлиш ва инновацион тараккият концепцияси.....	19
Г.Жалилова. Инновация и знания.....	22
Д.Р. Разаков. Постмодернистский инновационный подход к проблеме эстетизации науки.....	25
Ш.С. Кушоев. Инноватика фелсафаси.....	28
Ш.Т. Кубаева. Ўйин назарияси ва унинг ижтимоий-инновацион моҳияти.....	30
Р.Мадиримов. Инновацион жараянларда энтропилик ва негэнтропиликнинг намоён бўлиши.....	32
М.С. Юсупов, Ш.С. Кушоев. Тарихий билимда постмодернистик инновация: монизмдан плюрализм сари.....	36
З.О. Мўминова. Мустанақлик ва тарихий билиш парадигмасы: ғовий ворислик ва инновация.....	39
М.Бекуххамидов. Фан парадигмасынинг алмашинуви илмий инновация сифатида.....	41
Х.Х.Мухаммадиев. Виртуальность ва инновация диалектикаси.....	44
Г.С. Султанова. Постноқласик тафаккур тарзининг инновацион жиҳатлари.....	46
З.Р. Кадирова. Интеррация Ўзбекистана в мир и толерантность.....	50
Б.Н. Нормуродов. Модернизация ва унинг ҳусусияти.....	53
Н.А. Буриев. Инновациянинг ижтимоий – маданий жиҳатлари.....	58
Ф.Х.Набиев. Ижтимоий иш соҳасида инновация.....	62
И.Нежматов. Жамиятнинг демократлаштириш ва эркинлаштиришда инновацион ёндошув - ижтимоий тараккиятнинг стратегик йўналиши.....	65
Р.Мадиримов. Социоген сарфлар тоҳси.....	67
Н.Н.Муршинов. Инновационные методы в социальных науках.....	69
М.К.Низамбетов, Х.Қутлубуратов. Инсон ва фуқаролик жамияти цивилизацияси тараккиятнинг мезонлари сифатида.....	71
Н.Р.Эрбоева. Миллийлик ва умуминсонийликнинг ўйғунлиги, анъана ва ангажиранлиш.....	73
Б.Т.Тўйчиев. Процесс глобализации и демократические преобразования в Узбекистане.....	75

бифуркация нуктасигача илгариланма ривожланишини давом эттиради. Бифуркация ҳолатида тизим озгина ички ёки ташқи туртки оқибатида ўз ҳолатини ўзгартириши мумкин.(6)

Ўтиш даврининг латент босқичида энтропийлик даражаси сусайиб боради, янги тизимга ўтиш учун шарт-шароитлар, яъни инновацион тизимга ўтиш имконияти вужудга келади.

Пат босқичида эски ва янги инновацион тизим ўртасида киска муддатли мувозанат ҳолати вужудга келади. Бу босқичда энтропийлик даражаси, тартибсизликнинг илк босқичига қараганда сусайди ва иктисодий депрессия ижтимоий кучларни қайта тўрухланиши, аҳолининг янги инновацион тизимнинг муқаррарлигини англаб етиши юз беради.

Мазкур энтропийлик ораксида янги цивилизацияни интеграция омиллари, янги социал структуранинг шаклланиши янги лидерларни олдига чиқиши ётади.

ПОСТНОКЛАССИК ТАФАККУР ТАРЗИНИНГ ИННОВАЦИОН ЖИХАТЛАРИ

Г.С. Султанова, Самарқанд, СамДУ

Ушбу мақолада постноклассик тафаккур тарзи инновацион жараён сифатида намоён бўлиши эътироф этилади. Ҳуш, постноклассик тафаккур тарзининг инновацион хислати нимагадир намоён бўлади, улар ўртасидаги нисбат қандай? Бугунги кунда тор маънода барқарор ривожланиш йўли томон бораётган юртимизда илғор иктисодий механизм ва ижтимоий қурилмалар, замонавий илмий йўналишлар ва технологияларни яратишда ижодкор ёшлар ва янгича тафаккур соҳибларини тарбиялаш муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Дарҳақиқат, фан-техника жадал суръатларда илгариланган борилаётган бир пайтда тафаккур ва унинг моҳияти, тафаккур жараёнларининг турли томонларини таҳлил этиш долзарб масалалардан биридир. Тадқиқот йўналишимиз қаратилган ушбу мақолада асосий эътиборни постноклассик тафаккур тарзи ва инновациянинг боғлиқ жиҳатларига қаратдик.

Инновация ўзи нима? **Инновация** янги фойдалар, технологиялар, информатсион лойиҳалар ва маҳсулотларни кашф этиш, ишлаб чиқиш ва жамиятга тадбиқ қилишни билдириб ҳозирги замон ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолият тизимларида асосий фаолият турига айланмоқда. Кашф этиш ва ихтиро қилиши илмий, бадиий ва технология ижодиётни соҳаси ҳисобланади. Бундай фаолиятда намоён бўлган ижодий тафаккур ўрганиш борадида тадқиқотчилар унумдор ва тикловчилар репродуктивлар тафаккур турларини фарқ қила бошлайлар. Фикримизча устивор фаолият сифатида янги фойдалар концепциялар ва лойиҳаларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган тафаккурни шунчаки унумли эмас, балки инновацион тафаккур деб белгилашга асос бор. Ҳап шундаки ҳар бир тафаккур актида